O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI KITOB PALATASI

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 19 июнь, чоршанба • №48 (11.436) • Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қўмитасида*

## КУН ТАРТИБИДА – МУДОФАА МАСАЛАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги ижроси муҳокама қилинди.**

Шунингдек, «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунининг Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида ижро этилиши, давлат чегарасини ҳимоя қилиш ҳамда қўриқлашда аҳолининг ва «Чегара посбонлари» жамоат тузилмаларининг ролини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитасининг қарори бажарилиши билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Йиғилишни Қўмита раиси Аҳтам Турсунов бошқарди.

Йиғилишда йўл қўйилаётган камчиликларга кўпроқ эътибор қаратилди. Аниқланишича, Жиззах вилоятида 2001 йил кузги чақирув тиббий кўригидан кейин ҳарбий хизматга олинган 17 нафар, Сирдарё вилоятида эса 6 нафар ҳарбий хизматчи саломатлиги туфайли ҳарбий хизматдан қайтиб келган.

Жиззах вилоятида қонун ижроси билан боғлиқ тадбирлар фақат чақирув бошланиши арафасида кўриб чиқилиб, чақирув комиссияларининг таркиби тасдиқланадиган қарорлар қабул қилиш билан чегараланиб қолиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Вилоят мудофаа ишлари бўлимларига ажратилган биноларнинг кўпчилиги таъмир талаб. Жиззах шаҳри, Фориш туман мудофаа ишлари бўлимларининг чақирув пунктларига ажратилган биноларни таъмирлаш чўзилиб кетгани танқид остига олинди.

Кун тартибидаги иккинчи масалани муҳокама қилиш чоғида юртимиз тинчлиги, осойишталиги, ҳар жиҳатдан чегарамиз мустаҳкамлигига ва унинг қандай қўриқланишига бевосита боғлиқлиги таъкидланди.

Бугунги вазият нафақат чегарачиларимизни, балки барчамиз, айниқса чегара ҳудудида яшайдиган аҳолининг хушёрлигини талаб қилмоқда. Шу боис Қўмита йиғилишида етти ой аввал қабул қилган қарорнинг (давлат чегарасини ҳимоя қилиш ҳамда қўриқлашда аҳолининг ва «Чегара посбонлари» жамоат тузилмаларининг ролини оширишга доир Қарори) ижросига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда Қўмитанинг қарори тўлиқ бажарилиши юзасидан вилоят ҳокимликларига ҳамда Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитага муайян тавсиялар бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

***Ўз мухбиримиз.***




## ОМБОРГА ДОН ТЎКИЛДИ

**Бўка туманида ғалла ўрими қизғин паллага кирмоқда. Бу йил бўкалик ғаллакорлар 14 минг 330 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирдилар. Шартнома режасига мувофиқ давлатга 32 минг тонна дон топширилиши керак. Мутахассисларнинг ҳисобларига қараганда, далаларда ушбу режани қарийб икки ҳисса ошириб қоплайдиган даражада ҳосил пишиб етилмоқда. Шунга асосланган бўкаликлар 60 минг тонналик хирмонни мўлжаллаб, мавсумни уюшқоқлик билан бошладилар.**

Ўрим-йиғим оммавий тус олгач, ғаллазорларда 31 та «Кейс» ва 25 та «Россия» комбайнлари ишлайди. Уларнинг бирор дақиқа ҳам бекор туриб қолмай, тўла қувват билан ишлашларини таъминлаш мақсадида махсус ўрим-йиғим жадвали тузилди. Унда ҳам донни тўкиб сочмай, ҳам юксак суръатлар билан ўриб-янчишлари учун комбайнчиларга, таъмирловчи гуруҳ аъзоларига, ғаллани пешма-пеш ташувчи ҳайдовчиларга керакли шарт-шароитларни яратиб бериш назарда тутилган. Бундан ташқари донни тўкиб сочмай ўрган комбайнчиларга пул мукофоти, бир кунда 100 тоннага етказиб ғалла ўриб-янчиб берган комбайнчиларга 200 килограммдан дон берилади.

Тумандаги «Қашқадарё» ширкат хўжалигида оилавий пудратчилар билан гектаридан ўртача 40 центнердан дон топшириш юзасидан шартнома тузилган. Улар эса, меҳнатларига яраша даромадли бўлиш учун ҳосилдорликни камида 50 центнерга етказишга ҳаракат қилишди ва кўпчиликнинг бунга эришгани далалардаги ҳосил чўғидан яққол кўриниб турибди.

*СУРАТДА: ота-бола Ҳамробобо ва Эркин Жониевларга тегишли майдонларда «Кейс» юксак унум билан ишламоқда.*

**Александр МАЛЬЦЕВ олган сурат.**

ВИЛОЯТ ҳаёти

### БИР КУН КАДРЛАР ЎҚИЙДИ

**Янгийўл шаҳар ҳокимлиги кадрларни танлаш, тарбиялаш ва жой-жойига қўйиш масаласига алоҳида эътибор бермоқда.**

Ҳокимлик маънавият-маърифат маркази шаҳар кенгаши билан ҳамкорликда кадрлар захираси учун ўқув машғулотларини ташкил этди.

Ҳар ҳафта мунтазам равишда ўтказилаётган бундай машғулотларда ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар ва файласуфлар ўз маърузалари билан иштирок этмоқдалар.

***Зуҳра ҲАЙДАРОВА.***

### КИТОБСЕВАР ҲОМИЙЛАР ТУҲФАСИ

**Юқоричирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли Янгибозор марказий кутубхонаси ва унинг тасарруфидаги қишлоқ шахобчаларида 438200 нусха бадиий ва сиёсий адабиётлар мавжуд. Доимий китобхонлар сони эса, 22845 кишини ташкил этади.**

Яқинда туман марказий кутубхонаси ва унинг жойлардаги шахобчаларига ҳомийлар томонидан 780 минг сўмлик 863 нусха янги бадиий ҳамда сиёсий адабиётлар совға қилинди.

Ҳомийлар маблағига олинган янги адабиётлар ичида қомусий китоблар ҳамда қатор шоир ва ёзувчиларимиз томонидан истиқлол йилларида яратилган асарлар бор. Янги адабиётлар кутубхона жавонларини янада бойитди.

***Латифжон МАНСУРОВ.***

### ҚЎЛИ ОЧИҚЛИК ҲАМ ЗИЙНАТ

**Янгийўлдаги «Ўткир» хусусий фирмаси раҳбари Гулнора Маҳмудова етим-есир, ногиронлар ҳамда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига меҳр-мурувват кўрсатиб келаяпти.**

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан бу тадбиркор аёл тиббиёт соҳасида кўп йиллар ишлаб, элу юртга танилган 40 нафар фахрийга моддий ёрдам ажратди.

***Ўз мухбиримиз.***

ВИЛОЯТ ҳаёти

## ЯПОНИЯДА ТАҲСИЛ ОЛАДИЛАР

**Япониянинг JICE халқаро ҳамкорлик маркази Япония олий ўқув юртларида ўқиш учун 20 нафар ўзбек ёшларини тайёрлади. Тошкентдаги бизнес марказида япон тили бўйича билимларини такомиллаштириш учун кунчиқар мамлакатга юборилаётган ёшлар билан учрашув ўтказилди.**

— Бу йигит-қизлар «Япония грантлари бўйича кадрлар тайёрлаш учун стипендиялар тақдим этиш» лойиҳаси доирасида таҳсил олаётган истеъдодли ёшларнинг учинчи гуруҳи ҳисобланади, — деди лойиҳа мувофиқлаштирувчиси Э.Танака. — Мазкур ёрдам беғараз асосда бўлиб, Тошкентда япон тилини ўқитиш ва Япония олий ўқув юртида таҳсил олиш Япония ташқи ишлар вазирлигининг ривожланаётган мамлакатларга расмий ёрдам жамғармаси томонидан тўланади.

Танланган университет магистратурасида ўқиш муддати 1,5 ёки 2,5 йилни ташкил этади. Лойиҳанинг асосий мақсади инсон ресурслари тараққиёти режаларини амалга оширишда Ўзбекистонни қўллаб-қувватлаш ҳамда икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлашдан иборат. Айнан шу боис гуруҳга келгусида ўз соҳаларида етакчи бўлиш салоҳиятига эга 22 ёшдан 35 ёшгача бўлган кишилар танлаб олинади.

***«Туркистон-пресс».***

**Тошкент Давлат аграр университетида шу йил 26 май-1 июнь кунлари Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган "Универсиада-2002" мусобақаларида ғолибликни қўлга киритган талабаларни тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.**



## ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазири С. Ғуломов мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларига мувофиқ ёшларга билим бериш, жумладан, уларни спортга кенг жалб этишнинг узвий тизими тобора шаклланиб бораётганини таъкидлади. Мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг "Баркамол авлод" ўйинлари, олий ўқув юртлари талабаларининг "Универсиада" спорт мусобақалари бунинг ёрқин мисолидир.

– Университетимизнинг "Универсиада-2002" мусобақаларида иштирок этган 103 талабасидан 16 нафари олтин, кумуш ва бронза медалларига сазовор бўлди, – деди Тошкент Давлат аграр университети ректори Ҳ. Бўриев. – Университетимизда талабаларнинг кенг билим олиши билан бир қаторда спорт билан шуғулланиши учун ҳам барча шароит яратилган. Бунинг натижаси ўлароқ, талабаларимиз нуфузли мусобақаларда юқори кўрсаткичларга эришмоқда.

Тадбирда Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Н. Юсупов ғолибларга эсдалик совғаларини топширди.

Университетнинг магистратура босқичи талабаси, чалқанча сузиш бўйича Осиё чемпиони, "Универсиада-2002" спорт ўйинларининг иккита олтин медали соҳибаси Саида Искандарова Тошкент вилоят ҳокимлиги томонидан "ТИКО" автомобили билан тақдирланди.

***Ҳулкар СОДИҚОВА, ЎзА мухбири.***

*СУРАТДА: Саида ўз автомашинаси билан.*

**Рустам ШАГАЕВ олган сурат.**

Кичик ва ўрта бизнес – иқтисодиётимиз келажаги

## ҲАРАКАТ БОР, НАТИЖА ЭСА...

### Ёки Бекобод туманида кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ютуқ ва камчиликлар хусусида мулоҳазалар

Иқтисодиётда устувор йўналишлардан бири бўлган кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан Бекобод туманида ҳам муайян ишлар қилинаяпти. Хусусан, тадбиркорлик ва мулкчиликнинг янги шакллари юзага келиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, бунда ишлаб чиқариш тузилмаларининг фаоллигини ва ташаббускорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мазкур тузилмаларни барпо этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқилган. Туман ҳокимлиги, туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, тижорат банклари ва бошқа мутасадди ташкилотлар уни амалга ошириш учун яқин ҳамкорлик қилмоқдалар. Бу йўлда амалга оширилаётган чора-тадбирлар, албатта ўз самарасини бераяпти. Ҳозир туманда кичик ва ўрта бизнес тузилмалари 540 тадан ошди. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларини очишга имкон бермоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида 673 та иш ўринлари ташкил этилди. Уларнинг 436 таси якка тартибдаги меҳнат фаолиятига, 237 таси юридик мақомга эга бўлган кичик ва ўрта бизнес тузилмалари ҳиссасига тўғри келади. Уларнинг иқтисодиётнинг турли жабҳаларидаги мавқеи мустаҳкамланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши муттасил ортиб бормоқда. Чунончи, шу йил 3 ойлик якунларига назар соладиган бўлсак, туманда тайёрланган саноат маҳсулотларининг 13,5 фоизи тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келади. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,2 фоизга ошди. Шунингдек, улар ҳисобига савдодаги товар айланмасининг 52,5 фоизи тўғри келди. 81,1 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатилди. 18,9 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди.

– Кичик ишлаб чиқариш тузилмалари фаолиятини яхшилаш юзасидан имкон даражасида барча чора-тадбирлар кўрилаяпти, – дейди тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш туман бўлими бошлиғи Одилжон Охунов. – Айниқса, уларни имтиёзли ва кам фоизли кредитлар билан таъминлашда яқиндан кўмаклашаяпмиз. Биргина ўтган йили тадбиркорларга икки юз миллион сўм миқдорида кредитлар берилди.

(Давоми 2-бетда).

Таълим



## ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

**Чамаси икки йиллар аввал Оҳангарон туманида хизмат сафарида бўлиб, мактабларда «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг ижроси ҳақида мақола тайёрлашга тўғри келган эди. Бу галги сафаримизнинг мақсади туман мактабларининг бугунги ҳолати, биноларни таъмирлаш ишларининг мароми, ўқитиш тизимидаги ютуқлар, муаммо ва камчиликларни ўрганишга қаратилди.**

Хўш, орада ўтган икки йил мобайнида Оҳангарон мактабларида нима ўзгарди? Туманда таълим-тарбия янгиланиш босқичи талаблари даражасидами?

Шуни айтиш керакки, ўқиш мавсумининг якунланиши билан тумандаги элликдан зиёд мактабнинг барида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилган. Ҳатто айрим билим масканларида бу муҳим иш аллақачон ниҳоясига ҳам етказилди.

12-ўрта мактабда бунга ўзимиз ҳам гувоҳ бўлдик. У ерда ҳар жиҳатдан ибратли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида айтиб ўтиш лозим. Бу билим масканини, шаҳарнинг замонавий мактабларидан асло қолишмайди. Аллақачон бу ерда жорий таъмирлаш ишлари ниҳояланган, билим ўчоғи ўқув йилини бошлаш учун тайёр ҳолатда. Фанларга ихтисослашган хоналарни кўриб, ўқувчиларга илм олиш учун яратилган шароитларга ҳаваси келади кишининг.

Таъмирдан сўнг синф хоналарини саранжомлаётган ўқувчилар билан суҳбатлашганда, уларнинг ўқишга бўлган қизиқиши, дунёқарашининг кенглиги, фикрларининг теранлигидан мамнун бўлдик.

15-ўрта мактабдаги ишларнинг бориши билан танишиш натижасида бу таассуротлар янада бойиди. Тажрибали муаллим, ташкилотчи Хафиза Файзиева раҳбарлик қилаётган ушбу билим масканида ҳам барча нарса батартиб, ўқув ишларидан тортиб ташкилий масалаларнинг бари тўғри йўлга қўйилган. Икки қаватдан иборат бўлган мактаб биноси таъмирдан чиқай деб қолган. Кейинги ўқув йили учун пухта ҳозирлик кўриляпти. Қувонарли жойи шундаки, яқинда ушбу мактабга замонавий компьютерлар келтирилди.

Аммо, бошқа мактабларда бўлганимизда, бу таассуротларни ўзгартиришга тўғри келди.

(Давоми 3-бетда).

Асосий қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ




**53-модда**

**Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жаҳатдан баббаровар муҳофаза этилишини кафолатлайди.**

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасидаги мулкчилик шаклларидан бири хусусий мулк ҳуқуқи ҳисобланиб, у эгасининг ишлаб чиқаришда бевосита иштирок қилишини ёки ёлланма меҳнатни қўллашни тақозо этувчи субъектларнинг, яъни фуқаролар, хўжалик жамоаси ва ширкатлар, ижара ва жамоа корхоналари, ижтимоий бирлашмалар ва диний ташкилотлар, хайрия ва бошқа ижтимоий фондлар мулкига эгалик ҳуқуқидир.

Мамлакатимиз иқтисодий негизининг яна бир қисмини оилавий мулкдан, маҳалла мулкидан, кооперативлар, ижара, жамоа корхоналарининг мулкидан, жамоат ташкилотлари, диний ташкилотларнинг турли хил хўжалик ва жамиятлари, ширкатларининг, ассоциациялар ва юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бошқа бирлашмаларнинг мулкларидан ширкат (жамоа) мулки сифатида фойдаланишни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасида ўзаро ҳамкорлик ва ҳисса қўшиш асосида давлатлараро мулклар вужудга келса, бундай ҳолатда тарафлар ўзаро келишувга мувофиқ бу мулкларни бошқарадилар ва уларни тасарруф этадилар.

Хўжалик юритувчи субъектлар ёки мулкдорлар ўз моддий ашёларини ҳамда пул маблағларини бирлаштириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар, ҳамда турли юридик шахслар ўртасида аралаш мулк ҳуқуқини ташкил этишлари мумкин. Халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида мамлакатимиз ўз ҳудудида ёки бошқа давлатлар ҳудудида, давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахсларнинг мулкини ҳам вужудга келтириб, уларнинг, яъни барча мулк шаклларининг ҳуқуқий жиҳатдан тенг равишда муҳофаза этилишини ҳам кафолатлайди.

**54-модда**

**Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади, тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.**

Мулк эгасига ўз хоҳишига кўра эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқи берилган. Мулкка эгалик қилиш мулкчилик муносабатининг бошланғич шакли сифатида юридик томондан мулкнинг ҳужжатлар билан субъектга бирлаштирилганлигини ифодалайди. Ҳеч ким ўз мулки ва ҳуқуқларидан қонунга хилоф равишда махрум этилиши мумкин эмас. Объектив сабаблар туфайлигина жамият фойдаси ёки манфаатлари йўлида тегишли қонунлар асосида муайян компенсация ҳолларидагина мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ўзгариши мумкин.

Фойдаланиш ҳуқуқи мулк эгасининг ҳуқуқларидан бири бўлиб, бойлик ва мулклардан белгиланган тартиб бўйича фойдаланишдир. Унинг чегаралари норматив, ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Мулкдан атроф-муҳитга, ўзга фуқаролар, юридик шахслар ва давлат манфаатларига зиён етадиган даражада фойдаланиш ман этилади. Ундан ташқари мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини суиистеъмол қилишга ҳам йўл қўйилмайди.

**55-модда**

**Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир.**

Табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш ҳар бир давлатнинг экологик сиёсати бўлиб, сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Конституциямизда ушбу масалага алоҳида эътибор берилган. Ер, еости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиий заҳиралар умуммиллий бойлик бўлиб ҳисобланиши, шунингдек, улардан оқилона фойдаланишнинг зарурлиги ва давлат муҳофазасида эканлиги қуйидагиларни кенгроқ тушунишга ва таҳлил қилишга ёрдам беради:

а) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига асосан ер, еости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳираларнинг биринчи марта умумиллий бойлик деб эълон қилиниши;

б) ушбу моддага биноан юқорида кўрсатилган барча табиат бойликларидан оқилона тарзда фойдаланиш зарурлиги;

в) барча табиат бойликлари ва атроф-муҳитнинг қонун ҳимоясида эканлиги;

г) мавжуд табиат бойликлари мустақил Ўзбекистон Республикаси, яъни давлат томонидан муҳофаза қилиниши зарурлиги шулар жумласидандир.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.***

# Дарслик, ижара ва натижа

***Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ўтган йилнинг 1 сентябридан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманидаги мактабларда ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизимини синовдан ўтказишни бошлаган эди. Режага кўра, ўқувчи мактаб кутубхонасидан дарсликларни ижара ҳақини тўлаш ҳисобига олиб, ўқув йили охирида кутубхонага қайтаради.***

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида Осиё тараққиёт банкининг «Умумий ўрта таълим мактаблари учун дарслик ва ўқув қўлланмаларни нашр қилиш тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси ва Британия кенгаши ҳамкорлигида вилоятлар кутубхоналари мутахассислари учун ташкил этилган семинарда мазкур тажрибанинг дастлабки натижалари муҳокама этилди.

Дарсликларни ижара усулида сотиш ҳозирдаёқ ижобий самара бермоқда. Жумладан, ота-оналарнинг дарслик сотиб олишга ажратадиган маблағи камайган. Натижада ўқувчиларни китоб билан тўлиқ таъминлаш имкони кенгайган.

Шуни инобатга олган ҳолда, Халқ таълими вазирлиги 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб таълим ўзбек ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган барча мактабларнинг 9-синфларида дарсликларни ижарага бериш тизимини жорий этишни режалаштирмоқда.

***Ҳулкар СОДИҚОВА,***
***ЎзА мухбири.***

Акс-садо

**Матбуотда мамлакатимиз раҳбарининг солиқ ундиришни такомиллаштириш ҳақидаги фармони эълон қилинди. Кейинги йиллардаги солиқ амалиётининг энг мақбул жиҳатларини ўзида мужассамлантирган бу фармон ижтимоий-иқтисодий тараққиётда кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ривожига қудратли рағбат бағишлайди, албатта.**

# ҲАМКОРЛИКДА САМАРА КАТТА

Жамиятда эркинлаштириш ва демократияни чуқурлаштириш туфайли ислоҳотлар кўлами кенгаймоқда. Янги-янги ишлаб чиқариш қувватлари, ҳусусий ва қўшма корхоналар ишга туширилаяпти. Табиийки, бу жараён мамлакатимиз давлат бюджетини барқарор тўлдириб бориш асосидир.

Лекин, айни пайтда солиқларни ўз вақтида тўламаслик, даромадларни яшириш каби ҳолатлар ҳам мавжудки, бу солиқ идоралари фаолиятини, умуман, солиқ тизимини муттасил такомиллаштириб боришни тақозо этаётир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6-июлдаги «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Шундан буён ходимларимиз томонидан ҳуқуқ-тарғибот ва қонунларни тушунтириш, иқтисодиёт ва солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ҳуқуқий билимлар тарғиботи тадбирлари асосан ҳокимият идоралари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари томонидан изчил олиб борилаяпти. Яшаш ва иш жойларида, солиқ тўловчилар билан иқтисодиёт ва солиққа оид қонунчиликлар мавзусида тадбирлар ўтказилиши яхши натижа бермоқда. Фақат Тошкент вилоятининг ўзида ишларнинг самараси ўлароқ солиқ тўловчилардан 113 миллион 810 минг 550 сўмлик маблағ ихтиёрий равишда давлат бюжетига тушиши таъминланди.

Давлатимиз иқтисодий салоҳияти юксалиб, ўлкамизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида жуда катта ўзгаришлар рўй бериб, бир қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Халқ фаровонлигини яхшилаш, ободончилик ишлари, Ватанимизнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳар бир фуқарони бефарқ қолдирмаётганлиги ажабланарли эмас, албатта.

Департамент ва унинг маҳаллий бўлинмаларининг ходимлари томонидан иқтисодиёт ва солиққа оид кўплаб ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Шунингдек, ноқонуний равишда сифатсиз пахта ёғи, алкоголли ва турли хил озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган яширин цехлар фаолияти фош этилиб, айбдорлар тегишли жавобгарликка тортилдилар.

Бу жараён оммавий ахборот воситаларида бирмунча изчил ёритила бошланди. Хусусан, «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида солиққа оид жиноятларни бартараф этиш борасидаги ишлар кенг ёритилаётгани қувонарли. Пинҳона ишлаб чиқаришлар билан шуғулланаётганлар ҳақидаги чиқишлар қизиқиб ўқилаётир. Вилоятнинг баъзи ҳудудларида ўзларини солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари сифатида таништириб, тадбиркорларнинг ҳақини ўмариб юрган товламачилар ҳам фош этилаётгани айниқса ибратли бўлаётир. Газета бошқарма ҳузурида ташкил этилган ишонч телефонлари рақамларини ҳам эълон қилмоқдаки, бу фақат фойдадан ҳоли эмас.

Хуллас, ҳар биримиз ўз қилаётган ишимизни англай олишимиз, нафс балосига учиб, қонунни четлаб ўтмаслигимиз зарур. Ҳар бир фуқаро тадбиркорлик фаолиятидан қонун ҳужжатларига мувофиқ даромад олишга ҳаракат қилса, у фойдадан ҳоли бўлмайди. Тадбиркорлик базасини кенгайтириш улар яратилаётган шарт-шароитлардан тўғри фойдаланишлари учун фуқароларнинг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида учрашувлар ташкил этилиб, иқтисодиёт соҳаси ва солиққа оид қонунчиликлар юзасидан очиқчасига савол-жавоблар ўтказилмоқда.

Бу ишлар самарадорлигини кўтаришда матбуотнинг таъсир кучи катта. Шуни ҳисобга олиб биз ҳамкорликни яна ҳам кучайтираверамиз.

***Маҳмуджон УМАРОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг катта тафтишчиси.***



Маҳалла

# КЎКТЕРАКДА ШУНДАЙ УДУМ БОР

***Ўзини-ўзи бошқариш тизимида қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва маҳаллаларнинг ўрни салмоқли. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар уларнинг зиммасига алоҳида вазифаларни юклайди. Тошкент тумани Кўктерак қишлоқ фуқаролар йиғини фаоллари ана шу масъулиятли вазифаларни бажариш борасида ибратли ишларни амалга оширишмоқда.***

Хусусан, йиғин раиси Шуҳрат Мажидов туман газ бўлими билан келишиб, Ҳамза номли кўчадаги 72-хонадонга газ босимини кучайтирувчи янги мослама ўрнатиш учун ҳозирлик кўрмоқда. Бундан илгари эса, Анорбоев номли кўчага ана шундай ускуна ўрнатилган эди.

Маҳаллалар ободончилигига ҳам бу ерда катта эътибор қаратилади.

— Қишлоғимиз аҳлининг ярмидан кўпроғини ёшлар ташкил қилади, — дейди Шуҳрат Мажидов. — Шунинг учун ҳам уларнинг тарбияси, юриш-туришига алоҳида эътибор қаратамиз. Айниқса, ёш оилаларнинг ажралиши, ўсмирлар турли зарарли оқимлар таъсирига киришининг олдини олиш асосий мақсадимиздир.

Кўктеракда кўп йиллардан буён яхши бир анъана мавжуд. У ҳам бўлса, кексаларни қадрлаш, уларнинг ҳолидан доимо хабар олиш, шу йўл билан ёшларга инсон қадр-қимматини улуғлаш каби фазилатларни сингдиришдир. Бундан кексалар миннатдор, ёшлар эса уларга кўмакдош бўлмоқдалар.

***Ўз мухбиримиз.***

***СУРАТДА:** (чапдан ўнгга) маҳалла фуқаролари А. Кабиров, Р. Алимов, Ғ. Зокиров, қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ш. Мажидов, котиба Н. Йўлдошева, посбон Р. Турдиохуновлар ҳар бир масалани мана шундай ҳамжиҳатликда ҳал этадилар.*

***Даврон АҲМАД олган сурат.***

Фармон ва ижро

# ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинганига бир йилдан ошди. Шу асосда жамоат тартибини сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўзининг самараларини бера бошлади.**

Аввало, ислоҳот ички ишлар идораларида жиддий таркибий ўзгаришларга олиб келди. Жамоат тартибини сақлаш тизимида тезкорлик кучайди. Буни патруль-пост хизмати батальони ва отрядлари фаолиятида яққол кўриш мумкин.

– Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг шу асосда қабул қилинган қарори талабларини бажариш борасидаги ишларнинг натижаси ҳозирдаёқ кўрина бошлади, – дейди Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, милиция подполковниги А. Жуманов. – Ислоҳотдан кейин жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олишга қаратилган фаолиятимиз кучайди. Бизнинг отрядларимиз Ангрен, Чирчиқ, Бекобод шаҳарлари йўналишлари бўйича хизмат қилишяпти. Мен Ангрен йўналишидаги 1-отряд ходимларининг хушёр хизматини алоҳида таъкидламоқчиман...

Бу отрядга милиция капитани В. Гасимов командирлик қилмоқда. У ўз ўринбосари – милиция катта лейтенанти Н. Исмоилов билан бирга ходимларнинг сиёсий билимини, ҳуқуқий маданиятини, махсус тайёргарлигини муттасил ошириб бориш чораларини кўраяпти. Хизматни тўғри ташкил этиш, кучларни оқилона жойлаштириш кўча ва бошқа жамоат жойларида тартибни сақлаш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, содир этилган жиноятларни изма из очиш имконини бермоқда. Милиция кичик сержантлари С. Фозилматов, Н. Тўрақулов, милиция сафдорлари А. Самойлов, Ў. Асролов қисқа муддатда бир неча жиноятни очишди.

Ёки Чирчиқ шаҳар йўналиши бўйича хизмат қилаётган 2-отряд фаолиятини олиб кўрайлик. Унга милиция лейтенанти Б. Есбердиев раҳбарлик қилмоқда. Ходимлар билан дилдан суҳбатлашиш, уларнинг куч-ғайратларини тўғри йўналтириш ёш командир муваффақиятларининг асосий гаровига айланди. Натижада жиноятлар тезкор фош этилиб, қидирувдаги айрим жиноятчилар қўлга олинди. Вилоятда ўтказилган «Тун», «Тозалаш», «Арсенал» тадбирларида фаол ва самарали қатнашиб, бир қатор жиноятларни фош этганликлари учун милиция сафдорлари Н. Мамбетов, Е. Худойбергановлар Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими раҳбариятининг ташаккурномасига сазовор бўлишди.

Бекобод шаҳар йўналишидаги 3-отряд ҳам жиноятчиликка қарши курашда самарали иш олиб боряпти. Майор К. Марасулов ва унинг ўринбосари, милиция капитани Х. Имоналиев ходимларнинг маънавий тарбиясига, касбий маҳоратни ошириб боришларига алоҳида эътибор билан ёндошмоқдалар. Шу боис шахсий таркиб постда ҳамиша огоҳ ва хушёр туриб, турли жиноятларнинг олдини олишга эришяпти. Чунончи, «Тун» тадбири давомида милиция ходимлари Р. Каримов ва Ф. Исломқуловлар чаққон ва омилкорлик билан ҳаракат қилиб, гумондор шахс Ахтем Сайтметовни текшириб кўришди. Унинг ёнидан мижозларга тарқатиш учун олиб борилаётган гиёҳванд модда топилди.

Патруль-пост хизмати батальони ва отрядларида ходимларни жисмоний чиниқтириш билан мунтазам шуғулланилмоқда. Машғулотларни малакали тренерлар ўтказишяпти. Қўл жанги, самбо, кураш турлари бўйича моҳир спортчилар етишиб чиқди. Улар бир неча бор мамлакат биринчиликлари ва халаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишди. Хулоса қилиб айтганда, вилоятнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган бу отрядлар эл осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилмоқда.

***Жўрабек МУРОДОВ.***

Таълим

# ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

Тўғри, қишлоқ мактабларида ўз касбининг фидоийлари, ўқувчиларга пухта билим бериш учун куйиб-ёнувчи педагоглар меҳнат қилишади.

Аммо, қишлоқ болалари ҳам замонавий илм даргоҳларида ўқишни, илм олишни истайдилар. Бунинг учун шароит, имконият бўлмаса-чи?

14-17-38-36-мактабларда бўлганимизда шу каби саволлар ҳаёлдан ўтди.

Икки йил олдинги сафар чоғида 38-ўрта мактабдаги ўқувчиларни билим олишлари учун яратилган шарт-шароит, мактаб биносининг аҳволи дилни хира қилган эди. Бу галги йўқловимизда ўтган икки йил мобайнида деярли ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлигини кўрдик.

Гап шундаки, бир мактаб ўқувчиларига икки бўлак ерда таълим-тарбия берилади. Бинонинг иккинчи қисми бир пайтлар жамоа хўжалиги идораси бўлган бинога жойлаштирилган. У ерда бошланғич синф ўқувчилари, жажжи болакайлар билим оладилар. Шунингдек мактаб кутубхонаси ҳам шу бинода жойлашган. Унга болалар тугул катталар ҳам юрак ҳовучлаб киради. Деворларга эса ёғочдан тирговичлар қўйилган. Бино қиш кунлари музлатгичга айланиши етмагандек йўлаклари ҳам зимистон. Ҳайриятки, мактаб раҳбари Йўлдош Тиллабоев норасидаларнинг ғамини еб, уларни мактабнинг асосий биносига кўчириб ўтказибди. Аммо бу бино ҳам айтарлик талабга жавоб бермайди. Таъмирланавериб охагу бўёқларни ушламайдиган холатга келиб қолган. Бино йўлакларидан юрганда димоққа аччиқ чанг урилади. Ўқувчилар соғлиги учун бунинг турган битгани зарар эканлиги чамаси ҳаёлларига келмаяпти.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мактабни ўз қўллари билан таъмирлаётган ўқувчилар билан суҳбатлашар эканман, беиҳтиёр улардан бири: «Биз ҳам, замонавий, спорт зали-ю, компьютер хонаси бўлган мактабда ўқишни истаймиз», деб қолди. Суриштирганимизда, туман бўйича саноқлигина мактабда спорт зали ва компьютер хоналари мавжуд бўлиб, бор-йўғи олтита мактабгина газлаштирилган. Кўпларида эса ҳамон муддатини ўтаб бўлган печкалар хизмат қилмоқда.

38-мактабнинг янги биноси қурила бошланганидан буён 17 йил ўтган. Мактаб эса хали-ҳануз ўқувчиларни ўз бағрига олгани йўқ. Бинонинг деярли бир қисми битган, арзимас юмушлар, газ тизимини улашу, атрофини панжара билан ўраш қолган, холос. Аммо, ана шу иш пайсалга солинмоқда. Бинонинг қолган ярми ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Усти очиқ холда ётган бу бино пишиқ ғишт билан кўтарилганига қарамасдан увадаланиб туша бошлаган. Битган қисми ҳам ҳали ишга тушмай туриб, ички деворлари нураб тушмоқда, дераза ромларига ўрнатилган ойналарнинг айримлари синган. Бу манзарани кўриб ачинасан киши. Ахир булар учун оз-мунча маблағ сарф бўлмагандир? Хуллас, бу ердаги холат ҳақида яна гапириш мумкин. Аммо бу каби муаммолар биргина ушбу мактабда эмас. Биз бўлган 15-,17-қишлоқ мактаблардаги аҳвол ҳам 38-мактабдагидан қолишмайди.

Оҳангарон марказига яқин бўлган ўқув масканларидаги ҳолат шундай бўлганидан кейин, туманнинг чекка қишлоқларидаги мактабларда аҳвол қандай экан?

Шу ўринда яна бир гап, юқорида санаб ўтилган мактабларнинг кутубхоналаридан ҳеч бири яқин орада биронта янги бадиий адабиёт асарлари олган эмас. Ўқувчилар томонидан кутубхонага аъзолик ҳам қониқарсиз аҳволда. Мактабларда саноқли обуна бўлинган матбуот нашрлар ҳам туман почтасининг кўнгилдагидек ишламаслиги оқибатида ўз вақтида етиб келмайди.

Албатта, бу каби муаммоларни фақатгина Оҳангарон туманидагина эмас, балки вилоятнинг бошқа туманларида ҳам учратиш мумкин. Уларнинг ечими эса кўп жиҳатдан жойлардаги ҳокимият идораларининг саъй-ҳаракати ва ташаббускорлигига боғликдир.

Ўйлаймизки, юқорида санаб ўтилган айрим камчиликлардан Оҳангарон туман ҳокимлиги тегишли хулосаларни чиқариб, зарур чора-тадбирларни кўради.

***Равшан ЁҚУБЖОНОВ,***
***«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.***

*Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги*

## СЕРГЕЛИ ТИББИЁТ БИЛИМ ЮРТИ

**Билим юртимиз қуйидаги йўналишларда мутахассислар тайёрлайди:**

1. «Даволаш иши» 9-синф ҳажмида грант бўйича ва 11-синф ҳажмида контракт асосида.
2. «Ҳамширалик иши» 9-синф ҳажмида грант бўйича.
3. «Тиббий профилактика» 9-синф ҳажмида грант бўйича ва 11-синф ҳажмида контракт асосида.

*Ўқиш муддати:* 11-синф ҳажмида 2 йил 6 ой.
9-синф ҳажмида 2 йил 10 ой.

**Бизнинг манзилимиз:**
Тошкент шаҳар Сергели тумани Қўйлиқ-5 мавзеси (мўлжал 50-шаҳар поликлиникаси, 252-мактаб биносида).



